



ROLE OF THE CONSTITUTIONAL COURT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN INTERPRETATION OF LEGAL NORMS

M. ABDULLAYEVA^a

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

РОЛЬ КОНСТИТУЦИОННОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПРИ КОММЕНТИРОВАНИИ ПРАВОВЫХ НОРМ

М.АБДУЛЛАЕВ^a

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,
Узбекистан

ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ РОЛИ

М.АБДУЛЛАЕВА^a

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг замонавий ҳуқуқни тушунишидаги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳуқуқий позицияси ва қарорларининг аҳамияти, шунингдек конституциявий мурожаатларнинг ҳуқуқий аҳамияти таҳлил этилган. Тадқиқот натижасида мазкур соҳани ривожлантириши бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: конституциявий одил судлов, Конституциявий суд ваколатлари, конституциявий мурожаат, ҳуқуқни қўллаш, расмий шарҳлаш.

Аннотация: в статье анализируется правовая позиция Конституционного суда Республики Узбекистан в понимании современных реалий права, сущности принимаемых нормативно-правовых актов, правоприменительной практики, а также роли и значения конституционных обращений. Автором выдвинуты научно-обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию данной сферы.

Ключевые слова: конституционное правосудие, компетенция Конституционного суда, конституционные обращения, правоприменительная практика, официальная интерпретация.

Annotation: the article analyzes the legal position of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan in comprehending the modern realities, the essence of adopted normative-legal acts, law enforcement practice, and the role and significance of constitutional appeals. Due to the results of the study, scientifically substantiated proposals and recommendations on improving this sphere were suggested.

Keywords: constitutional judiciary, the competence of Constitutional court, constitutional application, law enforcement, official interpretation.

Хозирги замон воқелигида конституциявий одил судлов демократик давлатчиликнинг зарурий талаби ҳамда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ишончли гаровидир. Мазкур институт жаҳон миқёсида умумэтироф этилган муҳим стандартлардан бири бўлиб, мамлакатдаги барча қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятдир.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда” деган эди [1]. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди конституциявий қадриятларни ҳимоя қилиш ҳамда конституциявий муҳитни яратиш субъекти сифатида майдонга чиқмоқда.

Конституциявий судлар давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тармоғи, вакиллик парламенти ва мустақил суд ҳокимияти ўртасида тақсимланишини кафолатловчи ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг ажралмас қисми ҳам ҳисобланади. Конституциявий судлар ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ваколатларини талқин этиш ва уларнинг доирасини аниқлаштириш, давлат органлари ҳисобдорлигини таъминлаш ҳамда конституциявий тартибнинг барқарорлигига қўмаклашиш имкониятига эга.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга оид вазифалар, шунингдек давлат ҳокимияти тизимини изчиллик билан такомиллаштириш ва мазкур ҳокимиятни мунтазам ўзгараётган ижтимоий муносабатлар билан уйғунлашиб бориши Конституциявий суд фаолиятини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилди. 2017 йилнинг 1 июнида эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)ги ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тарихида янги даврни бошлаб берди.

Янги қонунга мувофиқ Конституциявий суднинг қуйидаги ваколатлари мустаҳкамланди:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясива қонунларинормаларига шарҳ беради;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъияни шадқўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида суд ларташа бўси билан киритилган муружаатни кўриб чиқади;

конституциявий судловишларини юритиш амалиёти нимумлаштириш натижалари юзасидан ҳа рйили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти га мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясива қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқалишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суд конституциявий судловишларини юритаётган давошқасудларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатлариг акира диган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ватекширишдан ўзинитияди.

Қуйида биз мазкур органнинг қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларни, ҳар бир нормани ҳаётда тўғри татбиқ қилиш, қўллаш соҳасидаги ҳуқуқни шарҳлаш функциясига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

Ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тўғри англаб олиш ва уларни шарҳлаш, содир бўлган ижтимоий муносабатларга уларни татбиқ этишдан олдин, унинг маъноси ва мазмунини тўғри

англаш муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликда ҳуқуқий аниқлик ҳуқуқий давлатнинг Конституция ва қонун устуңлиги принципи билан бевосита боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорларида “Ҳуқуқий аниқлик ҳуқуқ устуворлигининг муҳим ва асосий хусусиятларидан биридир” деб келтирилган [2]. Шу боис ҳар бир татбиқ этиладиган ҳуқуқий норманинг моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниб, англаб олиш ва шарҳлаш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчасига Н.Сабуров ва М.Нажимовлар томонидан ҳуқуқ нормаларининг мазмуни, мақсади ва моҳиятини аниқлаш ва тушунтиришга йўналтирилган (қаратилган) фаолият деб тавсиф берилган [3].

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 43-моддасига мувофиқ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди бериши қайд этилган.

Россиялик олим Т.Хабриева конституциявий шарҳлашни алоҳида ажратиб кўрсатар экан, унга қуйидагича таъриф беради: “Конституциявий шарҳлаш Олий суд органининг ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолашга, Асосий Қонунни муҳофаза қилишга, ҳуқуқни амалга оширишнинг барча шакллари танлашга, барча турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган махсус ҳуқуқий фаолиятдир” деб баҳолайди [4]. Дарҳақиқат, конституциявий шарҳлаш, биринчи навбатда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Конституциявий суднинг шарҳлаш функцияси, даставвал, Конституцияни ҳимоя қилиш, унинг нормаларини бир хилда талқин этиш ҳамда нафақат фуқаролар, балки давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонуний бўлишини таъминлайди. Конституциявий суднинг ҳимоя қилиш функцияси билан биргаликда ҳуқуқни тушунишдаги роли бекиёсдир. Хорижий мамлакатларнинг аксариятида суд ҳуқуқни шарҳловчи расмий орган сифатида тан олинади. Конституциявий суд томонидан ҳуқуқий нормаларнинг шарҳланиши қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Конституция нормаларининг шарҳланиши шунинг учун зарурки, унинг асосида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳланади ва уларни татбиқ этиш жараёнларидан бири ҳисобланади. Конституция нормаларини расмий шарҳлаш кўпчилик мамлакатларнинг конституциявий суд (кенгаш)ларининг асосий ваколатларидан биридир [5].

Бир қатор мамлакатларда конституцияни шарҳлаш учун алоҳида суд органлари ташкил этилган. Жумладан, Италия ва Германия Конституциявий суди, Қозоғистон ва Францияда Конституциявий кенгаш, Польшада Конституциявий трибунал ва ҳ.к. Конституциявий судларнинг шарҳ бериш фаолияти аксарият давлатларнинг конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Масалан, Болгария Конституциясининг 149-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд конституция нормаларига мажбурий шарҳ бериши қайд этилган [6].

Ҳуқуқий нормаларга шарҳ бериш Конституциявий суд фаолиятининг шундай шакли ҳисобланадики, у Конституция нормалари, принциплари ва асосий қоидаларининг тўғри татбиқ этилишини таъминлайди, Конституция нуфузининг ошишига хизмат қилади, Конституция ва қонунлар бузилишининг олдини олади, пировард натижада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади. Шарҳлаш йўли билан Конституциявий суд ҳуқуқий нормаларнинг асл маъносини тушунтиради, конституциявий нормалар турлича тушунилиши ёки талқин қилинишининг олдини олади [7].

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонунига мувофиқ қуйидагилар Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори масала киритиш ҳуқуқига эгадир.

Конституциявий суднинг камида ушбу фарсудья ситашаббуси билан ҳам Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масала киритилиши мумкин.

Конституция ва қонунларга шарҳ беришни сўраб мурожаат этишни ҳам масала киритиш деб тушунадиган бўлсак, фуқароларга ҳам масала киритиш ҳуқуқини берилиши лозим деб ўйлаймиз. Асосий Қонунимизнинг 35-моддасига кўра, ҳар бир шахс (шу жумладан, юридик шахс) ўзини қизиқтирган ёки манфаатдор бўлган масалалар бўйича яқка ўзи ёки кўпчилик бўлиб (жамоа шаклида) мутасадди давлат органларига, муассаса ва ташкилотларга, халқ вакиллари – яъни депутат ва сенаторларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бу сиёсий ҳуқуқдан мамлакатимизда яшовчи барча одамлар – Ўзбекистон фуқаролари, чет эллик фуқаролар, ҳатто фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга, одамларнинг мазкур ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги керак.

2015 йил 9 январда Конституциявий суд томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган. Ундатаъкидланишича, Конституциявий судга келиб тушган мурожаатлар (электрон ва қоғоз шаклида) да:

а) Ўзбекистон қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистоннинг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлигини текшириш сўралган бўлса;

б) Қорақалпоғистон Конституциясининг Ўзбекистон Конституциясига, Қорақалпоғистон қонунларининг Ўзбекистон қонунларига мувофиқлигини текшириш сўралган бўлса;

в) Ўзбекистон Конституциясига қонунларининг нормаларига шарҳ бериш сўралган бўлса;

г) Конституциявий суд томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда қонун нормаларини тақомиллаштириш таклифи берилган бўлса;

д) Бош прокурорнинг буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно)

Ўзбекистон Конституциясига қонунларига мувофиқлигини текшириш сўралган бўлса, у Конституциявий суд ваколатидо ирасидаги масалаларни ақс эттирган деб ҳисобланади.

Германия қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай суд ёки фуқаро конституциявийлик ва бошқа ҳолатлар юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга [8]. Россия, Озарбайжон, Болгария ва бошқа МДХ давлатларда фуқароларнинг конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри мустақамланган. Шу боис фуқароларнинг Конституциявий судга масала киритиш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқларини тўғридан-тўғри қонунчиликка ақс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, конституциявий шарҳлаш ва ваколатлар тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш ваколатлари йўқлиги нафақат конституциявий одил судловнинг самарасизлигига, балки ижтимоий катаклизмлар, ечилмаган вазибаларнинг тўпланиб қолиши ва уларнинг портловчи ечими кўринишидаги оқибатларга сабаб бўлади [9].

Шунингдек, жамиятдаги айрим нормаларнинг турли хилда қўлланиши юзасидан Конституциявий суд томонидан ўз ташаббуси билан шарҳлаш амалиётини фаоллаштириш зарур. Ижтимоий тармоқларда ва ОАВда кенг муҳокама этилётган турар жой дахлсизлиги ва бошқа низолар билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат этиш ҳуқуқи бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Конституциявий суд ҳуқуқ нормаларига шарҳ беришни амалга ошириб, Конституция нормалари, принциплари ва асосий қоидалари тўғри татбиқ этилишини таъминлайди, Конституция ва қонунлар бузилишининг олдини олади, пировард натижада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Конституциявий суд фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларини киритиш;

Иккинчидан, Конституциявий судга мурожаатлар билан ишлашнинг аниқ механизмлари ва процедурасини белгилаб берувчи фаолиятни янада тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Конституциявий иш юритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда конституциявий одил судловнинг самарали механизмини йўлга қўйиш нафақат қонунларни аниқ ва бир хилда талқин этилишини

таъминлайди, балки ҳуқуқдаги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi // Xalq so‘zi. - 2016. - 9 dekabr.
2. Postanoleniye Yevroyeyskago Soyuzo po pravam cheloveka ot 28 oktyabrya 1999 g. Po delu Brumaresku protiv Rumini/pod red. Yu.Yu.Brestneva i A.O.Kovtuna. - M., 2002.
3. Saburov N., Najimov M. Davlat va huquq nazariyasi. O‘quv-uslubiy qo‘llanma. - T.: TDYUI, 2009. - 150 b.
4. Xabriyeva T.Ya. Tolkovaniye Konstitutsii Rossiyskoy Federatsii: teoriya i praktika. - M., 1998. - S.25.
5. Vestnik Konstitutsionnogo Soveta Respubliki Kazakstan. Vip.3 - Almati, 2000. - S.111.
6. The role of the constitutional court in the consolidation of the rule of law.- Bucharest, 8-10 June 1994.
7. G.Tastanbekova Huquqni sharhlash. O‘quv qo‘llanma. - T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016. - 102 b.
8. www.bundesverfassungsgericht.de <<https://www.bundesverfassungsgericht.de/>>.
9. B.Ismailov. Xorijiy davlatlarning huquqni qo‘llash amaliyotida konstitutsiyaviy odil sudlovning asosiy modellari // O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining Axborotnomasi. - 2008. - №16. - B.39.